

Бу ерда сизнинг рекламангиз бўлиши мумкин



РАҲБАРЛАР, ИҚТИСОДЧИЛАР, ИШБИЛАРМОНЛАР ВА ЁШ ОЛИМЛАР ДИҚҚАТИГА!

“Biznes-Эксперт” журнаliga йил давомида обуна бўлиш мумкин.
Нашрга обунани расмийлаштиргач,
Сиз ишончли эксперт ахборотига эга бўласиз.

Журналга “Ўзбекистон почтаси” АЖ, “Matbuot tarqatuvchi” АЖ
ва бошқа обуна агентликлари орқали обуна бўлиш мумкин.

Ундан ташқари Сиз обуна шартномасини тўғридан-тўғри
“Бизнес-Daily Медиа” Ноширлик уйи МЧЖ билан ҳам
расмийлаштиришингиз мумкин. Обуна индекси — 1169.

Қўшимча маълумотлар учун телефонлар: (99871) 259-21-96, 259-21-95.

Biznes-Эксперт

№ 9-10, 2020

ХУСУСИЙЛАШТИРИШ

МОЛИЯ

ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР

ИЛМИЙ АМАЛИЁТ

Ушбу сонда:

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик —
аҳоли бандлигини таъминлашнинг самарали
механизми сифатида

70

В этом номере:

Внедрение аппаратно-программного комплекса
«Единая национальная система труда»

122

ПРИВАТИЗАЦИЯ

ФИНАНСЫ

ЦЕННЫЕ БУМАГИ

НАУЧНАЯ ПРАКТИКА

ДИҚҚАТ!

“Бизнес-Daily Медиа” ноширлик уйи МЧЖ ва EBSCO Publishing, Inc. (АҚШ) ўртасида 2017 йил 8 августда тузилган лицензия шартномасига асосан, “Biznes-эксперт” журнаli жаҳоннинг энг йирик академик нашрлар электрон тизими ҳисобланган EBSCOhost маълумотлар базасига киритилган ва шу тизим орқали дунё бўйлаб тарқалмоқда.

ВНИМАНИЕ!

Согласно постановлению Президиума Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан №201/3 от 30 декабря 2013 года, журнал «Biznes-Эксперт» внесен в реестр научных изданий Высшей аттестационной комиссии для докторских диссертаций.

Biznes-Эксперт

«Biznes-Эксперт»
журналига 2020 йил
учун обуна давом
этмоқда.

Вақтни бой берманг!

Сиз журналга обуна бўлиш орқали:

- Ўзбекистон Республикасида ўтказилаётган иқтисодий ислохотлар ҳақида таҳлилий мақолалар;
- мамлакатимиз ва жаҳон иқтисодиёти барча тармоқларининг таҳлили ва шарҳига бағишланган мақолалар;
- жаҳон ва мамлакатимиз фонд, валюта, товар-хом ашё биржаларидаги савдо яқунлари ҳамда иш жараёнларини ёритувчи мақолалар;
- жаҳон молия бозорлари, банк, суғурта, лизинг тизимларида рўй бераётган энг сўнгги маълумотлар;
- валютани мувофиқлаштириш, валюта курсларидаги ўзгаришларнинг иқтисодий вазиятга таъсири, дунё валюталари ҳақида ахборотлар;
- корпоратив бошқарувнинг жаҳон амалиёти, янгиликлари, соҳанинг кўзга кўринган мутахассислари берган назарий ва амалий шарҳлар;
- маркетинг мутахассислари учун: маркетинг, истеъмолчилар, ижтимоий ва бошқа тадқиқотларни ўтказиш, ахборотлар олиш ва уларни қайта ишлаш услублари;
- бухгалтерия ҳисоби, солиқ ва божхона қонунчилиги каби долзарб масалаларнинг муҳокамаси;
- илмий даражага даъвогар иқтидорли талаба ва ёш олимларнинг изланиш ва тадқиқотлари билан бевосита танишиш имконини қўлга киритасиз.

УНУТМАНГ!

Biznes-Эксперт журнали сизнинг энг яқин ҳамкорингиз



Обуна индекси — 1169
Қўшимча маълумот учун телефон:
(71) 259-21-95

Biznes-Эксперт

По вопросам размещения рекламы обращаться по телефонам:
259-22-06, 259-21-97

Варианты размещения	Стоимость однократного размещения, тыс. сумов	Размеры модуля
Вторая-третья страницы обложки		
Страница	600	295×205мм
½ страницы	310	145×205мм, 295×105мм
⅓ страницы	210	100×205мм, 295×65мм
¼ страницы	160	145×105мм, 78×205мм

Внутренние страницы		
Разворот	1000	295×410мм
Страница	400	295×205мм
½ страницы	210	145×205мм, 295×105мм
⅓ страницы	140	100×205мм, 295×65мм
¼ страницы	110	145×105мм, 78×205мм
Classified*	40	50×60мм

Четвертая страница обложки		
Страница	800	295×205мм

* - минимальный рекламный модуль (размер 50×60мм) публикуется на внутренних страницах.

Скидки даются за кратность публикаций при объеме рекламы и объявлений не менее 100 кв. см и только при 100%-ной предварительной оплате заказа на следующих условиях:

- размещение **от 3 до 5 раз** — 5%;
- размещение **от 6 до 8 раз** — 10%;
- размещение **от 9 до 12 раз** — 20%;
- размещение **от 13 и более раз** — 25%;
- размещение минимального рекламного модуля в одном номере **от 5 и более раз** — 10%.




Стоимость подписки на один экземпляр журнала на весь 2020 год **300 000 сумов.**

Технические требования к макетам:

Форматы: TIFF, CDR (Corel Draw), AI (Adobe Illustrator) или INDD (InDesign).

Цветовая модель CMYK, разрешение — 300 dpi

Варианты размещения рекламы в журнале



Мундарижа

Аутсорсинг

Салима ХАШИМОВА. Замонавий бизнес стратегиясида аутсорсингдан фойдаланиш моҳияти ва имкониятлари 3

Кластер

Гулчехра ХАЛМАТЖАНОВА.
Ўзбекистон иқтисодиётида пахта-тўқимачилик кластерларини шакллантириш механизмини ишлаб чиқишда услубий ёндашувлар 7

Нигоҳ

Абдулла МИРЗАЕВ. Сугорма ерлардан самарали фойдаланишнинг экологик ва ҳуқуқий жиҳатлари 10

Реал сектор

Мунира СУЛТОНБОЕВА, Моҳира ПУЛАТОВА.
Реал сектор корхоналари фаолиятини қўллаб-қувватлашнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш 13

Менежмент

Абдувоси НАЗИРОВ, Зарина АШУРОВА, Равшан ХАЛИЛОВ.
Уй-жой коммунал хўжалиги бошқарув муаммолари ва уларни ҳал этиш йўллари 17

Кичик бизнес

Рустам ИСРАИЛОВ, Абдулхамид ХОЛМИРЗАЕВ. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш истиқболлари 20

Корпоратив бошқарув

Гўзал ХАНКЕЛДИЕВА. Акциядорлик корхоналарида корпоратив бошқаруви сифат даражасини баҳолаш 22

Услубийёт

Ирода НИЁЗОВА, Гулнора БОБОЕВА.
Иқтисодий фанларни ўқитишда инновацион усуллар ва ёндашувлар 25

Хориж тажрибаси

Омонullo ҲАМДАМОВ, Шахноза МАДЖИДОВА, Зухриддин САНЖАРОВ.
Корпоратив венчур молиялаштиришга доир хорижий давлатлар амалиётининг таҳлили 29

Савдо

Сардор ТУРСУНХЎЖАЕВ. Чакана савдо тизимида яширин иқтисодиётга қарши курашишда маркетингдан фойдаланиш 35

Қишлоқ хўжалиги

Мавлада ТАИРОВА, Ботир ОБИДОВ. Замонавий шаронларда фермер хўжалиқларини ривожлантириш масалалари 39

Кун мавзуси

Элнорахон МУМИНОВА. Корпоратив бошқарув асосидаги корхоналар фаолиятини бошқариш хусусиятлари 42

Стратегия

Дилмурод ТАЖИБАЕВ.
Корхона ва ташкилотларни бошқаришда стратегик вазифалар 46

Инновация

Умида БАЙМАТОВА, Собиржон ЮСУФЖОНОВ.
Инновацион ривожланишга этиборни кучайтириш – давр талаби 49

Тараққиёт

Бахтиёр МАВЛЯНОВ, Олмахон ПАРПИЕВА.
Глобаллашув даврида иқтисодий ривожланиш – бош мақсадимиз 52

Банк иши

Зафаржон АБДУЛЛАЕВ.
Банк йигимининг муҳим жиҳатлари 55

Тадқиқот

Гулбуҳор СОЛИЕВА, Умиджон СУЛТОНБОЕВ.
Ўзбекистонда тижорат банклари ва савдо субъектлари муносабатларини ривожлантириш муаммолари 58

Логистика

Барно КЕНЖАЕВА, Нилуфар ШАНАЗАРОВА.
Йўловчилар ташишни ташкил этишда логистик ёндашув 64

Маркетинг

Баҳромбек БОБОЖАНОВ. Фармацевтик товарлар бозорида истеъмолчилар билан ўзаро муносабатлар маркетинги 66

Бандлик

Анвар ХОДЖАЕВ, Лазиз ЖИЯНОВ, Азизбек ҚУРБОНОВ.
Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик – аҳоли бандлигини таъминлашнинг самарали механизми сифатида 70

Тадбиркорлик муҳити

Наргиза ХАМИДОВА, Мафтуна АМАНОВА. Ўзбекистонда тадбиркорлик муҳитини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари 73

Банк хизматлари

Салоҳиддин РАЙИМНАЗАРОВ.
Замонавий банк хизматлари кўрсатишнинг моҳияти ва турлари 76

Таҳлил

Собира УСМАНОВ.
Пандемия. Туризм соҳасидаги молиявий тебранишлар 79

Рақаман иқтисодиёт

Даврон РАХМАТКАРИЕВ. Ўзбекистонда электрон ҳукумат тизимининг ривожланиш ҳолати ва таҳлили 83

Хизматлар соҳаси

Камолитдин ИБОДОВ. Ресторан хизматлари соҳасида миқозларнинг қониққанлик даражасини баҳолаш 86

Жараён

Диляфуза УМАРОВА. Йўловчи ташиш транспорт хизматлари маркетингининг ўзига хос хусусиятлари 91

Тадбиркорлик

Жамшид ЭРГАШЕВ. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича илғор хорижий мамлакатлар тажрибаси 96

Иқтисодиёт

Равшан КАЛАНДАРОВ. Иқтисодиётнинг реал сектори ривожланишида институционал ўзгаришларнинг хорижий тажрибаси 99

Саноат

Комила ХОНКЕЛДИЕВА.
Ўзбекистонда тўқимачилик кластерларини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий асослари 103

Содержание

Корпоративное управление

Мухаммаджон ТОЛИПОВ, Шахноза АБДУЖАББАРОВА.
Немецкая модель корпоративного управления и её особенности 107

Автомобильная промышленность

Дилядар ЯКУБОВА, Нозима КАСЫМОВА. Основные направления развития автомобильной промышленности Республики Узбекистан 110

Экономика транспорта

Аяттилло ШАРУСТАМОВ.
Развитие транспортного комплекса Республики Узбекистан 114

Развитие туризма

Сардор ХАМИДУЛЛАЕВ, Мамурахон УММАТҚУЛОВА.
Принятые меры и перспективы развития индустрии туризма в Узбекистане 117

Цифровая экономика

Шерзод КУДБИЕВ. Внедрение аппаратно-программного комплекса «Единая национальная система труда» 122

Страхование рисков в туризме

Умида МАКСУДОВА.
Классификация рисков в туризме 126

Энергетический сектор

Хуснорахон ХАСАНОВА. Современное состояние электроэнергетической отрасли Республики Узбекистан 129

ТАҲРИР КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ

ТАҲРИР КЕНГАШИ РАИСИ | ПРЕДСЕДАТЕЛЬ РЕДАКЦИОННОГО СОВЕТА

Қаландар АБДУРАҲМОНОВ

ЎзР ФА академиги, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

академик АН РУз., доктор экономических наук, профессор

ТАҲРИР КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИ | ЧЛЕНЫ РЕДАКЦИОННОГО СОВЕТА

Z. Kliment LAZARASHVILI (Климент ЛАЗАРАШВИЛИ), MBA, JD, PhD.

Georgian international University президенти (АҚШ)

Президент Georgian international University (США)

Gerhard FELDMAYER (Герхард ФЕЛДМАЙЕР)

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор (Германия)

доктор экономических наук, профессор (Германия)

Masato HIWATARI (Масато ХИВАТАРИ)

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор (Япония)

доктор экономических наук, профессор (Япония)

Sung Dong KI (Сунг Донг КИ)

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор (Корея Республикаси)

доктор экономических наук, профессор (Республика Корея)

Нагмет АИМБЕТОВ

ЎзР ФА академиги, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

академик АН РУз., доктор экономических наук, профессор

Юрий ОДЕГОВ

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор (Россия)

доктор экономических наук, профессор (Россия)

Игорь БУТИКОВ

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

доктор экономических наук, профессор

Фармонқул ЭГАМБЕРДИЕВ

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

доктор экономических наук, профессор

Мухиддин КАЛОНОВ

иқтисодиёт фанлари доктори,

доктор экономических наук

Адҳам БЕКМУРОДОВ

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

доктор экономических наук, профессор

Мухиддин ПЎЛАТОВ

иқтисодиёт фанлари доктори

доктор экономических наук

Дурбек АХМЕДОВ

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

доктор экономических наук, профессор

Бахтиёр ИСЛОМОВ

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

доктор экономических наук, профессор

Баҳодир УМУРЗАКОВ

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

доктор экономических наук, профессор

Иқтисодий фанларни ўқитишда инновацион усуллар ва ёндашувлар

Инновационные методы и подходы в преподавании экономических дисциплин

Innovative methods and approaches in teaching economics

Ирода НИЁЗОВА,
Гулнора БОБОЕВА
Бухоро давлат университети
Иқтисодиёт кафедраси ўқитувчилари.

Аннотация

Мақолада иқтисодий фанларни ўқитишда инновацион усуллардан фойдаланишнинг аҳамияти ёритилган ҳамда мавзунинг назарий ва услубий жиҳатлари кенг тарзда очиб берилган. Шунингдек, мавзу доирасида амалга оширилган илмий тадқиқот ишлари ҳамда олинган натижалар кенг ёритилган бўлиб, иқтисодий фанларни ўқитишда инновацион усуллардан фойдаланиш орқали талабаларда назарий билимлар бериш, уларда амалий кўникмаларни шакллантириш ва инновацион усул элементларидан ўқув жараёнида самарали фойдаланиш йўллари тавсия этилган.

В статье подчеркивается важность использования инновационных методов в преподавании экономических наук, а также теоретических и методологических аспектов предмета. В статье также описываются проведенные исследования по данной теме и полученные результаты. В статье предложены способы предоставления студентам теоретических знаний за счет использования инновационных методов в преподавании экономики, формирования практических навыков и эффективного использования элементов инновационных методов в процессе обучения.

The article emphasizes the importance of using innovative methods in teaching economic sciences, as well as the theoretical and methodological aspects of the subject. The article also describes the research carried out on this topic and the results obtained. The article proposes ways of providing students with theoretical knowledge through the use of innovative methods in teaching economics, the formation of practical skills and the effective use of elements of innovative methods in the learning process.

Мамлакатимизда изчил амалга оширалаётган кадрлар тайёрлаш миллий моделининг асосий ғояси баркамол инсонни тарбиялашни назарда тутди. Баркамол шахснинг муҳим сифатлари бўлган мустақил ва ижодий фикрлаш, ишлаш қобилиятларини тарбиялаш, таълим муассасаларининг энг муҳим вазифаларидан ҳисобланади. Миллий моделининг марказида шахс сифатлари турар экан, таълим методларини шу асосда танлаш ва қўллаш ишларини такомиллаштириш ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидан биридир. Бу борада ўқувчиларнинг фаоллигини ошириш, дарс ва дарсдан ташқари машғулотларни самарали ташкил қилиш алоҳида аҳамият

касб этади. Жумладан, таълим муассасаларида ўқитиладиган иқтисодий фанлар ўқувчиларнинг дунёқараши шаклланишида муҳим ўрин тутди. Шу сабабли, кейинги йилларда соҳада ҳам бир қатор ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш масалалари алоҳида таъкидлаб ўтилган [1].

Калит сўзлар: танқидий фикр, даъват, англаш, мулоҳаза, кластерларга бўлиш, синквейн, тоифалаш жадвали, Б/БХ/Б жадвали, инсерт жадвали.

Замонавий шароитларда таълим жараёнининг барча имкониятларига кўра шахсни ривожлантириш, ижтимоийлаштириш ва унда мустақил, танқидий, ижодий фикрлаш қобилиятларини тарбиялашга йўналтирилиши талаб этилмоқда. ОТМларда таълим жараёнига янги педагогик ва ахборот технологияларни қўллаш, замонавий ўқув-услубий мажмуаларни ишлаб чиқиш муаммоларига қаратилган бир неча диққатга сазовор ишлар амалга оширилмоқда.

Ҳозирги кунда таълим жараёнини, олий таълимнинг ўқув режа ва дастурларини янги педагогик технологиялар ва ўқитиш усулларини кенг жорий этиш, магистратура илмий-таълим жараёнини сифат жиҳатдан янгилаш ҳамда замонавий ташкилий шакллари жорий этиш асосида янада такомиллаштириш асосий ва бош мақсад бўлиб қолмоқда [2]. Таълим жараёнида янги педагогик технологиялар ва фаол усуллардан фойдаланиш, янги ишлаб чиқарилаётган техник воситаларни татбиқ этиш, талабаларни кўпроқ танқидий фикрлашга ундаш, илғор тажрибалардан сабоқ беришнинг турли йўлларидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Танқидий фикр – бу қўйилган масала ёки муаммо юзасидан ўз фикрини баён этиш, ўзгаларнинг фикрларини танқидий қайта идрок этиш, ўз нуқтаи назарини асослаб бериш ва сақлаб қолиш имкониятига эга бўлишга асослангандир. Иқтисодий фанларни ўқитиш жараёнида танқидий ривожлантирувчи стратегиялардан фойдаланишнинг асосий вазифаси – ўқувчиларда фанга оид билимлар тизимини ва ақлий фаолият усулларини самарали ўзлаштиришларига ёрдам бериш, уларда олган билимларини касбий фаолиятларида пайдо бўладиган янги вазиятларда ижодий қўллаш олиш, иқтисодий фанга оид масала ёки муаммо юзасидан ўз фикрини баён қилиш, ўзгаларнинг фикрларини танқидий қайта идрок этиш, ўз нуқтаи назарини асослаб бериш ҳамда сақлаб қолиш имкониятига эга бўлишдан иборатдир [9].

Демак, пировард мақсад талабаларга танқидий ривожлантирувчи стратегия ҳақида назарий билимлар бериш, уларда амалий кўникма ва малакаларни шакллантириш учун, улар билан яқка ҳолда шуғулланиш имкониятларини кенгайтириш, уларнинг мустақил ишлаши, мустақил билим олишлари учун кенг йўл очиб беришда танқидий ривожлантирувчи стратегия элементларини қўллаш шу куннинг заруратига айланиши даркор.

Танқидий фикрлаш масалаларини тадқиқ этиш

билан кўплаб замонавий олимлар, педагоглар, психологлар ва методистлар шуғулланади. Хусусан, В.В. Давидовнинг ишларида муаммоли таълим таъмоилларида умумлаштириш турлари ва уларнинг тузилиши орқали ўқув жараёнини ташкил этиш очиб берилади [3].

И.Й.Лернер эса танқидий фикрлашининг тузилишлари, ақлий фаолиятнинг умумлашган усулларини шакллантириш йўлларини белгилловчи алоҳида компонентаarning ўзига хос хусусиятларини таҳлил этган [4].

М.И. Маҳмутов ўзининг олиб борган илмий тадқиқот ишларида танқидий фикрларнинг аҳамияти жамоа ҳамкорлиги асосида, ахборотларни қабул қилиш, уларга ўз муносабатини билдириш, хатолик ва номувофиқларини излаш, ўз мулоҳазаларида хатоликка йўл қўймасликка интилиш, ўз тушунмовчиликларини англаш, фарқлаш, аниқ хулосалар чиқаришга йўлладан иборат эканлигини қайд этган [6].

А.М. Умронхўжаев тадқиқотларида мактабнинг бош мақсади сифатида бола шахси оёққа туришини таъминлаш, унинг қобилиятларини очиб бериш, ўқишга истак ва ўқувни шакллантириш, талабаларнинг танқидий фикрлашининг барча компонентларини егаллашга йўналтириш асосида тизимли таълимга тайёрлаш ва шахсни ҳар томонлама фаоллаштириш масалалари ёритилган [10].

Ўқитиш жараёнида танқидий ривожлантирувчи стратегиялардан фойдаланишда ўқувчиларнинг танқидий фикрлашини ўрганишда замонавий дидактика ўқиш жараёнида ўқувчилар психик танқидий фикрлаши билан шуғулланувчи таълим психологияси ютуқларидан фойдаланади. Ўқув материали ёш ва мазмунга боғлиқ ҳолда бу фаолиятнинг ўзига хослиги таълим жараёни психологик қонуниятларини ўрнатади ҳамда ўқувчиларнинг танқидий фикрлашида индивидуал ва типик хусусиятларини кўриб чиқади. Танқидий фикрлашнинг асосини қуйидаги уч фаза ташкил этади: даъват, англаш, мулоҳаза (ДАМ) [8]. Даъват фазасининг аҳамияти шундан иборатки, унда янги билимлар, ўзи мустақил танлаган мақсад учун интилиш ўқувчида анчагина кучли бўлади. Англаш – ифодалаш фикрлашнинг иккинчи фазаси ҳисобланади. Унда янги ахборот даъват фазасида фаоллаштирилган ахборот билан боғланади. Янги ўқув материалининг тушунилишига эришиш бу фазанинг энг муҳим вазифасидир. Бу фазада ўз тушунчаларини “орқаси-

дан кузатиб” бориш муҳимдир. ЎЁТФнинг учинчи фазаси мулоҳаза қилиш деб аталади. Бу фазада билимлар мустаҳкамланади ва ўрганилаётган масала бўйича олдинги фазаларга нисбатан бошқача (тўла-роқ) тасаввур шаклланади ҳамда у “ўқиганлик”нинг ортишига олиб келади. Талаба ўз ўқув мақсадига эришгандагина бундай ўзгаришлар содир бўлиши мумкин.

Кластерларга бўлиш. Бу педагогик стратегия бўлиб, талабаларни у ёки бу мавзу бўйича эркин ва бемалол ўйлашга ёрдам беради. У фикрлашнинг оддий шакли бўлмай, балки мия фаолияти билан зич боғланади [9].

Синквейн. Ахборотларни қисқача тарзда баён этиш, мураккаб ғояларни, сезгиларни, тасаввурларни бир неча сўзлар воситасида ифодалаш имконияти муҳим малакадир. Синквейн французча сўз бўлиб, беш деган маънони англатади. Демак, синквейн беш қатордан иборат шеърдир [9].

Инсерт жадвали. Мустақил ўқиш вақтида олган маълумотларни, эшитган маърузаларни тизимлаштиришни таъминлайди; олинган маълумотни тасдиқлаш, аниқлаш, четга чиқиш, кузатиш. Аввал ўзлаштирган маълумотларни боғлаш қобилиятини шакллантиришга ёрдам беради [9].

Тоифалаш жадвали. Тоифа-хусусият ва муносабатларни муҳимлигини намоён этувчи (умумий) аломат. Тизимли фикрлаш, маълумотларни тузиламага келтириш, тизимлаштириш кўникмаларини ривожлантиради [11].

Б/БХ/Б жадвали. Биламан/ билишни хоҳлайман/ билиб олдим. Мавзу, матн, бўлим бўйича изланувчиликни олиб бориш имконини беради ҳамда таҳлил қилиш кўникмаларини ривожлантиради. “Мавзу бўйича нималарни биласиз” ва “Нимани билишни хоҳлайсиз” деган саволларга жавоб берадилар (олдиндаги иш учун йўналтирувчи асос яратилади) [11].

Шуларни ҳисобга олган ҳолда, барча ўқитувчилар талабаларга билим беришнинг энг самарали йўли, дарс ўтишда турли методларни қўллаш зарур деган фикр тарафдори. Талабаларнинг танқидий фикрлашини педагогик бошқариш муаммосининг аҳамиятини аниқлаш учун Бухоро давлат университетида мутахассислик йўналишидаги фанлардан дарс берадиган ўқитувчилар орасида анкета сўровнома ўтказилди.

Амалиёт сўровномаси натижалари амалиётда ўқитувчиларнинг ўзлаштириш жараёнини фаол-

лаштириш йўллари яхши билишларини кўрсатди. Бу ўқитувчиларнинг ушбу муаммони ривожлантирувчи ва тарбияловчи вазифаларни яхши тушунишлари билан боғлиқдир. Ўқитувчилар 1-саволга берган жавобларнинг таҳлил кўпгина ўқитувчилар таълим муассасасида замонавий етук мутахассисларни тайёрлашда махсус фанларни ўқитиш жараёнида талабаларнинг танқидий фикрлаш, мустақил изланувчилик кўникма ва малакаларини шакллантиришнинг аҳамиятини юқори баҳолаганликларини кўрсатди.

Кўпчилик ўқитувчилар (41,9 фоиз) биринчи ўринга савия, танқидий фикрлаш, нутқ, хотира, ижодий ва мажмуали кўникмалар, ўқувчиларнинг истак-хоҳиш ва танқидий фикрлашини ривожлантиришда ўзлаштириш жараёни фаоллаштириш аҳамиятини илгари сурдилар.

Бизнинг тажриба-синов ўтказишимизнинг асосий мақсади ОТМ талабаларининг танқидий фикрлашининг бугунги кундаги ҳолати ва интерфаол методлар ёрдамида талабаларни танқидий фикрлашга ўргатиш бўлиб ҳисобланади. Тажриба-синовидан олинган натижалар математик-статистик усул билан ишлаб чиқилди. Берилган натижаларга математик-статистик усул билан ишлов бериш ҳам таълим бериш жараёнида талабаларда танқидий фикрлаш бўйича билим, кўникма, малакаларни шакллантириш ҳамда ривожлантириш ўзининг самарадорлигини тасдиқлади ва тадқиқотда ифодаланган фаразининг тўғрилигини исботлади.

1-жадвал.

Назорат ва тажриба гуруҳлари ўртасида танқидий фикрлаш бўйича билим, кўникма ва малакаларнинг шаклланганлик даражалари

Гуруҳлар	Сони	Ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражаси, фоизда		
		Қуйи	Ўрта	Юқори
Назорат	47	14	18	15
Тажриба	47	8	21	18

Олинган натижалардан назорат ва тажриба гуруҳлари ўртасида танқидий фикрлаш бўйича билим, кўникма ҳамда малакаларнинг шаклланганлик даражаларини тажриба гуруҳида юқори эканлигини кўриш мумкин. Бундан, тажриба гуруҳидаги ўзлаштириш назорат гуруҳидаги ўзлаштиришдан юқори эканлиги ойдинлашади.

Иқтисодий фанларни ўқитиш жараёнида талабаларнинг танқидий фикрини шакллантириш

ва ривожлантириш юзасидан қуйидаги таклифлар шакллантирилди:

- иқтисодий фанларни ўқитиш жараёнида талабалар танқидий фикрини шакллантириш учун назарий ва амалий билимларни мустаҳкамлашлари учун ўқитувчилар педагогик технологиялардан кўпроқ ва самарали фойдаланиш;
- иқтисодий фанларни ўқитиш жараёнида талабалар танқидий фикрини шакллантириш учун мустақил изланувчанлик кўникма ва малакаларини

шакллантириш технологиясини ишлаб чиқиш;

- ўқитувчилар таълим бериш жараёнида замонавий таълим методларидан самарали фойдаланиш;
- ОТМ талабалари танқидий фикрлашини шакллантиришда таълим-тарбия жараёнини тўғри ташкил этиш;
- ўқитувчилар таълим бериш жараёнида талабалар танқидий фикрини шакллантириш учун самарали бўлган ўқув лойиҳаларни ишлаб чиқиши лозим ва бошқалар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.
3. Давидов В.В. Деятельностная теория мышления. – М.: 1995 г.
4. Лернер И.И. Развитие мышления учащихся в процессе обучения истории. Пособие для учителей. – М.: Просвещение, 1982 г. -191с.
5. Матюшкин А.М. Мышление. Обучение. Творчество. М.: 2001 г.
6. Махмутов М.И. Теория и практика проблемного обучения. – Казань, 1972 г. -365 с.
7. Мурадова Н.К., Мажидов Р.Р., Хайитматов У.Т., Махмудова Б.А. Касбий таълим услубиёти: Ўқув қўланма. - Т.: ТДИУ, 2006 й.
8. Мурадова Н.К., Мажидов Р.Р., Хайитматов У.Т., Махмудова Б.А. Касбий таълим услубиёти: Ўқув қўланма. - Т.: ТДИУ, 2006 й.
9. Омонов Ҳ.Т., Хўжаев Н.Х., Мадьярова С.А., Эшчонов Э.У. «Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат» Дарслик. Т.: 2012 й, 116-б.
10. Умронхўжаев Д. Черчение. Учб.для 8 кл.сред. – Т.: 2006 й.
11. Файзуллаева Д.М. “Инновацион таълим технологиялари” модулидан амалий машғулот ишланмалари. Т.: 2015 й.